

---

## Тарғибот тадбири

Ёзёвон 1- касб-хунар мактабида “Конституциявий ислоҳотлар – манфаатимиз пойдевори” мавзусида Ўзбекистон Республикаси Конституция лойиҳасига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар муҳокамасига бағишлиланган тарғибот тадбири ташкил этилди. Тадбирда 405 нафар ўқувчилар, 40 нафар ота-оналар иштирок этдилар. Касб-хунар мактаби директори М.Отажонов ва таргиботчи Х.Қўлдашев тадбир иштирокчиларига янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси ҳақида атрофлича тушунча берар экан, конституциявий ислоҳотлар – ҳаётий зарурат эканлигини алоҳида урғуладилар.

Тадбир давомида таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, ҳуқук ва эркинликларимиз кафолатини янада такомиллаштириш борасида янги Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар юзасидан тушунтиришлар берилди. Бу янгиланиш ва ислоҳотлар халқ манфаатига хизмат қилиши таъкидланди.

2023-04-03 15:55:22